Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 26 ИЮНЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 121 (10.678)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Қонунчилик палатаси ва унинг депутатлари томонидан парламент сўрови ҳуқуқини амалга ошириш масалалари» мавзусига бағишланган семинар ўтказилди. Семинарда сўзга чиққанлар парламент сўрови дунёдаги парламентлар амалиётида кенг тарқалган назорат шакли эканлигини ҳамда амалдаги қонунларда мазкур институт расмий тарзда мустаҳкамланганлигини айтиб ўтдилар.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда ЕИКнинг ЕвропЭйд дастури доирасидаги «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида «Парламентнинг бизнес вакиллари билан ўзаро муносабати ва қулай инвестиция муҳитини яратиш масалалари» мавзуида амалий семинар ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Фридрих Эберт номидаги Фоднинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Давлат ҳокимиятини номарказлаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида мамлакатимиз ОАВда фаол ва самарали фаолият кўрсатаётган журналистлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида матбуот ва матбаа соҳаларида ўз иқтидорини намоён этган бир гуруҳ фахрий ва ёш журналист аёлларга Фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

● Тошкент вилояти ҳокимлигида «Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш — демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг муҳим шартидир» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда пойтахт вилоятида фаолият кўрсатаётган журналистлар иштирок этишди.

● Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг ҳам Интернет сайти ва электрон почтаси жорий этилди. Унинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида тақдим этилгани журналистларнинг касб байрамларига муносиб туҳфа бўлди.

● Термиз шаҳри марказида икки қаватли мўъжазгина китоб дўкони иш бошлади. «Шарқ зиёкори» акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган янги дўкондан хорижлик ва республикамиз ёзувчилари томонидан яратилган ижтимоий-сиёсий, адабий, бадиий йўналишдаги адабиётларни харид қилиш мумкин. Бундан ташқари, жамиятнинг яна учта савдо шохобчалари иш бошлаб, бир ой давомида 7 миллион сўмлик китоб харид қилинди.

ЖАҲОНДА

● Германия парламентининг қуйи палатаси — Бундестаг олти ойлик кечикиш билан мамлакатнинг 2006 йилги бюджетини тасдиқлади.

● Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг навбатдаги йиғилишида парранда гриппи хасталиги мутацияга учраб одамдан одамга юққанлиги қайд этилди. Бу Индонезиядаги бир оиладан етти кишининг ўлимига сабаб бўлган ҳолатдир. Анжуманда бунинг ягона ҳолат эканлиги айтилиб, инсоният учун юқоридаги каби хавфнинг йўқлиги алоҳида таъкидланди.

● Москвада XXVIII нуфузли халқаро кинофестивал хитойлик киноижодкорлар томонидан ишланган «Қасам» фильмининг намойиши билан бошланди. Кинофестиваль дастуридан турли мамлакатларда ишланган 17 та сара фильм ўрин олган бўлиб, у 2 июлга қадар давом этади.

● Туркиянинг Истамбул шаҳри Германиянинг Эссен ҳамда Венгриянинг Печ шаҳарлари билан биргаликда Европанинг 2010 йилги маданий пойтахти номини олиш учун даъвогарлик қилмоқда. Айтиш жоизки, Истамбул Европа ва Осиё ўртасидаги том маънодаги кўприк вазифасини ўтаётган шаҳардир. Ушбу мусобақанинг ғолиби жорий йилнинг иккинчи ярмида маълум бўлади.

● АҚШнинг NASA космик тадқиқотлар маркази раҳбарияти «Дискавери» шаттлини коинотга учириш муддатини 1 июлга белгилади. Бироқ баъзи экспертларнинг фикрига кўра, ушбу парвозни бироз орқага суриш керак. Зеро, ҳаво кемасининг ташқи қопламаси такомиллаштирилмаса шаттл экипажининг парвози хатарли бўлиши мумкин.

● Ирокда жангариларнинг ҳужумлари ҳамон давом этмоқда, нотинчлик ҳукм сурмоқда. Жумладан, Бакуба ва Бағдод шаҳарларида амалга оширилган портлашлар оқибатида бир куннинг ўзида 20 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Туркияда қурилиши мўлжалланган 705 метрлик кошона дунёдаги энг баланд осмонўпар биноларни ҳам ортда қолдиради. Унинг қурилишига 275500 кубометр бетон, 40700 тонна темир ишлатилиши режалаштирилган. Янги асрнинг энг баланд биноси — Burj Dubaini қуришни Бельгиянинг Besix компанияси ўз зиммасига олган. Қурилиш ишларини 2008 йил ноябрида якунлаш кўзда тутилмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

МИНСК, 23 июнь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг саммитида қатнашиш учун Минскка ташриф буюрган олий мартабали меҳмонлар Беларусь миллий кутубхонасининг янги бунёд этилган биносига йиғилдилар.

Бу ерда Давлатлараро кенгашнинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар.

Ҳамжамият Божхона иттифоқини тузиш ва ягона иқтисодий макон барпо этиш жараёнини жадаллаштириш, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдо тизимига интеграциялашишда аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг асосий вазифалари сирасига эркин савдо тартибини расмийлаштиришни якунига етказиш, умумий божхона тарифларини, умумий молия бозорини, транспорт хизматининг ягона бозори ва ягона транспорт тизимини, умумий энергетика бозорини шакллантириш, сармояларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, савдо-сотиқнинг умумий қоидаларини жорий қилиш, давлатлараро мақсадли дастурларни амалга ошириш, аъзо мамлакатлар фуқароларига бутун Ҳамжамият ҳудудида таълим ва тиббий ёрдам олишда тенг ҳуқуқ яратиш, миллий қонун ҳужжатларини ўзаро яқинлаштириш каби масалалар киради.

Ҳамжамиятнинг 2004-2006 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурида умумий вазифаларни ҳамкорликнинг янги шакл ва механизмларини ишга солган ҳолда бажариш кўзда тутилган. Шу тариқа ягона умумий бозор ташкил қилиш мумкин. Интеграция йўлидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари эса Божхона иттифоқини тузиш, ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, биргаликда энергетика бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, Транспорт иттифоқини ташкил этиш ва аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини тўла ишга солиш, агросаноат мажмуида ҳамкорлик, ягона молиявий бозор ва хизматлар бозорини тузиш, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Бу йўналишларнинг барчаси ўзига хос масалаларни ҳал этишни назарда тутади. Масалан, транспорт соҳасидаги тариф сиёсатини ўзаро мослаштириш, юк ташиш ҳажмини ошириш, божхона қоидаларини енгиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Энергетика соҳаси сув-энергетика заҳираларини биргаликда ўзлаштиришни, электр энергияси таъминотини яхшилашни, сув ресурсларидан унумли фойдаланишни талаб қилади. Агросаноат мажмуи ўзаро келишилган қишлоқ хўжалиги сиёсатини юритиш, озиқ-овқат бозорини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини камайтириш, ушбу соҳада суғурта, банк, лизинг, биржа каби институтларни барпо этиш масалаларини қамрайди.

Давлатлараро кенгаш - Ҳамжамиятнинг олий органидир. Бундан ташқари, ташкилот ҳузурида Интеграция қўмитаси, Парламентлараро ассамблея, Ҳамжамият суди фаолият кўрсатади. Шунингдек, агросаноат, адлия, божхона, солиқ, суғурта, транспорт, энергетика каби алоҳида соҳалар бўйича кенгаш ва комиссиялар тузилган.

Минск учрашуви Ҳамжамиятнинг жорий йилдаги иккинчи саммитидир. Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши муносабати билан ўтказилган биринчи саммит 21 январь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлган эди. Унда мамлакатимиз Ҳамжамиятга аъзо бўлиб киришининг тартиби белгилаб олинган эди. Бугунги саммитда бу жараён натижалари сарҳисоб қилинди.

Президентларнинг келишувига биноан Ўзбекистон жорий йил охирига қадар Ҳамжамиятда амал қилаётган барча битимларга қўшилиши керак. Мамлакатимиз шу чоққача 20 битимни ратификация қилди ва айни пайтда яна олтита ҳужжатни тасдиқлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистон томони барча битимларни кўриб чиқмоқда ва бу мамлакатимиз Ҳамжамият доирасидаги мажбуриятларини бажармоқда, дейиш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, саммитда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг (МОҲТ) Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш тартиби билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Чунки интеграция жараёнлари изчил ривожланиб боришини таъминлаш учун МОҲТ томонидан тузилган қатор муҳим ҳужжатлар, хусусан, сув-энергетика заҳираларидан фойдаланишга оид битимлар Ҳамжамият талабларига мослаштирилиши керак.

Президентлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантиришнинг стратегияси ва тактикаси юзасидан ҳам фикр алмашдилар, Молиявий ва иқтисодий масалалар бўйича кенгашнинг ҳисоботини кўриб чиқдилар.

Ҳамжамият ташқи сиёсий фаолиятининг концепциясини ишлаб чиқиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Унинг халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмалар билан алоқалари фаоллашиб бормоқда. Масалан, яқинда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг котибиятлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди, Европа иқтисодий комиссияси билан музокаралар ўтказилди.

Давлатлараро кенгашнинг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Ҳамжамиятни ривожлантириш масалаларининг муҳокамаси давом эттирилди. Унда тузилмани тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи кўриб чиқилиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Президентлар Ҳамжамият бюджетини шакллантириш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг янги лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Мажлисда Президентлар Ҳамжамият фаолиятини такомиллаштиришга, унинг доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга доир фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Қатор ташаббуслар, дастур ва лойиҳалар юзасидан фикр алмашдилар. Божхона иттифоқини тузиш борасидаги ишларни жадаллаштириш масаласини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида савдо-иқтисодий ҳамкорликни, иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ҳақида тўхталар экан, бунда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Ҳар қандай тузилма доирасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик ривожланиши учун, аввало, у қамраган ҳудудда вазият барқарор бўлиши керак, деди Ислом Каримов.

Учрашув қатнашчилари Евроосиё спорт ўйинлари ва Евроосиё халқларининг санъат фестивалини ўтказишга келишиб олдилар.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги музокаралар якунига етгач, Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистон раҳбарлари иштирокида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон ушбу ташкилот ишида қатнашиш тўғрисидаги мораторийни бекор қилгани эълон қилинди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон раҳбариятининг мазкур қарори коллектив хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлишини таъкидладилар.

Мажлисда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, терроризм, экстремизм, наркобизнес, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Минтақадаги вазият таҳлил этилди.

Маълумки, 2004 йилнинг 2 декабрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақоми берилган.

Шартномага кўра, аъзо давлатлар ўз хавфсизлигини коллектив асосда таъминлайди. Яъни, аъзо давлатлардан бирортасининг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига, хавфсизлигига таҳдид солинса, барча иштирокчи мамлакатлар қўшма маслаҳатлашув механизмини ишга солиб, юзага келган таҳдиднинг олдини олиш учун саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиради. Шунингдек, ташкилотга аъзо бирор давлат ташқи ҳужумга учраса, қолган давлатлар унга ҳар томонлама, жумладан, ҳарбий жиҳатдан зарур ёрдамни кўрсатади.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг низоми ҳамда ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги битим 2002 йилнинг 7 октябрида имзоланган ва 2003 йилнинг 18 сентябрида кучга кирган.

Президентлар хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини Коллектив хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги сессиясида давом эттирдилар.

Коллектив хавфсизлик кенгаши - ташкилотнинг олий органи. Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ҳузурида Котибият, ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котибларининг қўмитаси, Бирлашган штаб фаолият юритади.

Пезидентлар ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котиблари қўмитаси мажлисларида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларни кўриб чиқдилар.

Таъкидламоқ жоизки, ташкилотнинг моҳияти, унинг доирасидаги ҳамкорликнинг тамойил ва шакллари Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини Евроосиёдаги бутун хавфсизлик тизимининг муҳим бўғинига айлантирди. Унга аъзо давлатларнинг аксарияти Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо эканлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Коллектив хавфсизлик шартномаси 1992 йили Тошкентда имзоланганини, 1998 йил Ўзбекистон у билан ҳамкорликни тўхтатганини айтди. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот фаолиятида яна иштирок этиш сабаблари эса Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши билан боғлиқ. Иқтисодий ҳамкорлик фақат хавфсизлик таъминлангандагина ривожланади.

Президентлар ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий- техникавий ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Матбуот анжуманида айтилганидек, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти саммитида Божхона иттифоқини барпо этишни жадаллаштириш учун жорий йил охиригача ички тартиб-қоидаларни кўриб чиқишга қарор қилинди. Шунингдек, Президентлар ҳамжамиятнинг ташқи сиёсий фаолиятига доир концепцияни маъқулладилар.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доирасидаги музокаралар натижасида эса ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсий декларация имзоланди. Хавфсизлик органларининг террорчилик ва наркотаҳдидга қарши ҳамкорликдаги курашига оид дастур қабул қилинди.

Матбуот анжуманида музокаралар очиқлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди. Бугунги учрашувлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва

ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ — КЕЛАЖАК ЮЛДУЗЛАРИ

(Давоми. Боши1-бетда)

Ҳаётимизнинг энг бахтиёр, беғубор ва беозор палласи —бу мактаб қучоғида ўтказган дамларимиздир. Қувноқ болалик йилларимиз,шўхликларга тўла завқли онларимиз ёшлигимизнинг энг унутилмас лаҳзаларидир. Ҳа, ёшлик энг бебаҳо, энг гўзал, бахтиёр палла. Болаликнинг сермазмун, жўшқин,беташвиш, шодликларга тўла онларини ҳеч қачон ёдимиздан чиқара олмаймиз.

Айтиш жоизки,,мамлакатимизда Истиқлол йилларида умумтаълим мактабларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётир. Янги ўқув дарсликлари,қўлланмалар яратилаётир. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Бу йил пойтахтимизда салкам ўн минг нафар ўқувчи ўн биринчи синфни туғатиб, етуклик шаҳодатномасини қўлига олади.

Битирув кечаси бошланишида Давлатимиз мадҳияси янграб, ёшлар унга жўр бўлдилар. Саҳнага шаҳримиздаги умумтаълим мактабларини «аъло» баҳоларга тамомлаган йигит-қизлар чиқиб келишди. Қалбларида она-Ватанга муҳаббат, Миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғулари жўш урган шижоатли, қалби олов ёшларнинг чеҳраларида чексиз ҳаяжон, бахтиёрлик, фахр-ифтихор туйғулари яққол акс этиб турарди. Ёшларнинг нигоҳида, дилида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» деган шиор мустаҳкам ўрин олган. Шуни фахр билан айтиш керакки, мамлакатимизда таълим, санъат,фан, маданият, шунингдек, спорт соҳаларида ёшларнинг истеъдодларини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ёшларнинг турли фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, мусиқа фестивалларини ҳамда кўрик-танловлардаги муваффақияти тадбирнинг ранг-баранг ва бетакрор мусиқий дастурларида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Саҳнага битирувчи ёшларнинг устозлари ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан шу соҳа вакиллари сўзга чиқиб, ёшларни катта ҳаётга қадам қўяётганликлари билан қутлаб, уларга оқ йўл тилашди. Шунингдек, эстрадамизнинг ёркин юлдузлари, эл севган санъаткорлар ўзларининг Ватан, дўстлик, тинчлик, ёшлик ҳақидаги дилрабо куй-қўшиқлари билан йиғилганлар қалбига хушнудлик бахш этдилар. Шунингдек, саҳнага халқаро спорт мусобақалари, олимпиадалар, жаҳон чемпионатлари ғолиблари кириб келдилар. Ёшлар уларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ниҳоятда шодиёна ва тантанали ўтган битирув оқшомида чексиз қувонч ва ҳаяжонга тўлган ёшлар ва уларнинг устозларини суҳбатга чорладик.

— Мен бугун ниҳоятда бахтиёрман, шу обод ва озод юрт, мустақил Ўзбекистон фарзанди эканимдан фахрланаман, — дейди Миробод туманидаги 110-мактабнинг 11-синф битирувчиси Лобар Абдураҳмонова.— Келгусидаги режаларим, орзуларим жуда катта. Мақсадим Тиббиёт академиясига ўқишга кириб шифокор бўлиб етишиш. Халқимиз саломатлигини сақлашга муносиб



ҳисса қўшиш. Мен химия, биология фанларига жуда қизиқаман. Шу фанлар бўйича олимпиадаларда қатнашиб муносиб ўринларга сазовор бўлганман. Қадрдон мактаб, азиз устозларимиз билан хайрлашар эканман,устозларимизга катта раҳматлар айтаман. Айниқса синф раҳбаримиз Гулнора Қурбонқуловадан берган таълим ва тарбиялари учун чексиз миннатдорман.

— Мактабни битириб катта ҳаётга қадам ташлаётганлигимдан хурсандман, бироқ қадрдон устозлар, синфдошлар билан хайрлашиш нақадар оғир,—дейди Бектемир туманидаги 293-мактабнинг 11-синф битирувчиси Азиз Баратов.— Муҳими, бизни мустақил ҳаёт кутмоқда. Биз ёшлар эндиликда олий ўқув юртларида ўқиб, билимларимизни бойитиб, етук мутахассис бўлиб етишиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг янада юксалиши, жадал ривожланишида ўз улушимизни қўшишимиз керак. Мен Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг халқаро алоқалар факультетига ўқишга киримоқчиман ва келажакда дипломат бўлиб Ўзбекистонимиз довруғини жаҳонга танитмоқчиман.

— Бугун биз ёшларнинг хурсандчилигимиз чексиз. Мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликдан,яратилаётган кенг имкониятлардан жуда мамнунмиз,—дейди Миробод туманидаги 328-мактабнинг 11-синф битирувчиси Нодир Каримов.— Биз ёшлар бу ғамхўрлик ва ишончга жавобан келгусида ҳар томонлама чуқур билим олиб Ватанимизга муносиб ўғил-қиз бўлиб вояга етишимиз, мамлакатимиз тараққиёти йўлида ўз улушимизни қўшишимиз керак, албатта. Мен ҳуқуқшунослик, иқтисод фанига қизиқаман. Мазкур фанлар бўйича шаҳар олимпиадаларида қатнашиб биринчи ўринга сазовор бўлдим. Келажакдаги орзуим ҳарбий бўлиш. Ватанимизни ҳимоя қилиб, тинчлигимиз, фаровонлигимизни сақлашда ўз ҳиссамни қўшиш. Фурсатдан фойдаланиб, барча ёшлар номидан қадрли устозларимизга чексиз миннатдорчилик билдираман.

— Бугунги ёшлар билан ҳақли равишда фахрланса арзийди,—дейди Юнусобод туманидаги 63- мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Доно Ризаева. —Жумладан, бизнинг мактабимизда ҳам иқтидорли ўқувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Республика ва шаҳар миқёсида ўтказилган турли хил кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида ўқувчиларимиз иштирок этиб,муносиб ўринларни эгаллаб келишмоқда. «Конституция—бахтимиз пойдевори» мавзуида ўтказилган республика кўрик-танловида ўқувчиларимиз биринчи ўринни эгаллашди. Шаҳар бўйича ўтказилган фан олимпиадасида 11-синф ўқувчиси Лобар Азимова совринли ўринга сазовор бўлди. Бундай ютуқларимиз жуда кўп. Албатта бундай иқтидорли, ўткир салоҳиятли ёшларимиз бизнинг фахримиз.

— Мактабимиз инглиз тили ҳамда компьютер дарсларига ихтисослашган бўлиб, ўқувчиларнинг бу дарсларга ниҳоятда қизиқишлари кучли, — дейди Миробод туманидаги 328-мактаб директори Саида Маматқулова. — Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги инглиз тилини мукаммал ўрганишмоқда. Келгусида олий ўқув юртларига кириб, чет мамлакатларга бориб билим ва малакаларини ошириш ниятидалар. Бу йилги битирувчиларимиз орасидан 4 нафари шаҳар ва бир нафари республика фан бўйича олимпиадаларда қатнашиб совринли ўринларга эга бўлишди. 3 нафар ўқувчимиз спортнинг каратэ, миллий кураш турлари бўйича жаҳон чемпионатида қатнашиб, нуфузли ўринларни қўлга киритиб қайтишди. Уларнинг ютуқлари албатта биз устозларнинг ҳамда мактабимизнинг ютуғи албатта.Биз ўқувчиларимизга орзу-мақсадларига эришишларида омадлар ва оқ йўл тилаймиз. Ёшлар бизнинг келажагимиз. Улардан умидимиз катта.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда, мактаблар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Бу ҳақда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуманноп Собиров ҳам қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш таълим тизимини мазмун ва сифат жиҳатидан такомиллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Дастурга мувофиқ айни кунларда шаҳримиз мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Юнусобод туманида 274- мактабнинг янги биноси қад ростламоқда. Шунингдек яна 3 та мактаб капитал-реконструкция қилинмоқда. 16 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. 19 та мактабда эса жорий таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Албатта бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси ёш авлод келажаги учун қилинаётган эзгу ишлардир. Зеро, мустақил Ўзбекистонимиз келажаги мана шу умидли ёшлар қўлидадир...

Шодиёна ўтган битирув оқшоми ниҳоясида ёшлар санъаткорларга жўр бўлган ҳолда «Хайр, мактабим» қўшиғини ижро этдилар. Мана шу лаҳзаларда мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар қалбида она-Ватанга муҳаббат, Юртбошимизга, устозларига бўлган меҳр-муҳаббат,садоқат туйғулари жўш уриб турди. Албатта бу кун ёшларнинг қалбида унутилмас ёрқин саҳифа бўлиб қолиши шубҳасиз.

«Истиқлол умидлари — 2006» битирув кечаси тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Истиқлол умидлари-2006» битирув кечасидан лавҳалар.

Наталья Семёнова ва Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Инсоният тарихида фақат учта олим янги сайёрани очиш бахтига муяссар бўлган. 1781 йили инглиз олими Гершаль Уранни аниқлаган бўлса, 1846 йили эса немис олими Галле Нептунни кашф этган. Учинчиси америкалик Клайд Тамбодир. Канзасдан 20 ёшли астороном — ишқибоз Тамбо Флатстрафдаги обсерваторияга келиб, ўзининг келажакда янги сайёра очиш иштиёқи борлигини айтганда ҳамкасблари унинг устидан кулишган эди. Чунки бу бахт ҳатто обсерваториянинг асосчиси Ливеллога ҳам мушарраф бўлмаган эди. «Агар бу сайёра коинотда бўлганида эди, — дедилар обсерваториянинг эски хизматчилари Тамбога, — уни аллақачонлар очишган бўлишарди». «Менга бунинг аҳамияти йўқ, у осмонда борми ёки йўқ, — деб жавоб берди қайсар ишқибоз. — Аммо мен унинг бор ёки йўқ эканлигини билишим керак». Омадни қарангки, интилганга толе ёр деганларидек, 1930 йил 13 мартда у тайёрлаган фотосуратда номаълум сайёра борлиги аниқланди. Кейинчалик ушбу сайёрага Плутон деб ном берилди.

● Германия шимолидаги абадий музликлар билан қопланган Тирол тоғидан бундан 5300 йил илгари яшаган одамнинг мурдаси топилди. Мурда қора қимматбаҳо мумга ўралган эди. Патолог Эдуард Эгартер ва ҳамкасблари ушбу топилма устида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мурданинг бўйи 1,61 сантиметр, оғирлиги 40 килограмм бўлган экан. Тадқиқотчилар музлатилган мурдани 10 даражали илиқликка келтириш учун икки соат вақт сарфладилар. Эриган мурда устида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, қадимий аждодлар абадий музлатиш санъатини жуда яхши билган эканлар. Мурда махсус текширувдан ўтказилганда, унинг мутлақо соғлом бўлгани, фақат тиши баъзида оғриб тургани маълум бўлди. Энг қизиғи, мурданинг эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш жуда қийин кечмоқда. Ҳозирча тадқиқотчилар унинг юз тузилиши, шунингдек, ёнидан топилган тақинчоқларни ўрганиб чиқиб, мурда эркак бўлган деб тахмин қилишмоқда.

● Япониялик сейсмологлар сунъий зилзила генераторини синовдан ўтказишди. E-Defence деб номланган бу қурилма бунёд этилган иншоот ва бинолар мустаҳкамлигини текширишга кўришга мўлжалланган. Бир йилдан камроқ муддат муқаддам яратилган бу кашфиёт маҳсули вазни 1,2 минг тонналик уйлар жойлашган 300 квадрат метр майдонни бемалол тебрата олади. Инсон тафаккури ва имкониятларининг чеки йўқ деб шуни айтсалар керак.

● Одам ирсиятидаги деярли сезиларли ўзгариш ҳам кутилмаган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Геншунослар фани тадқиқотчиларининг қатор изланишлари бунга яққол далил бўла олади. Хусусан, европаликларда учраётган генлар тизимининг озгина бошқача тус олиши уларнинг иккинчи тур қанд диабети хасталигига чалиниши хавфини кучайтираркан. Демак, инсон генлари тизими ўзгармагани дуруст эканда.

● Дори ичиш эсингиздан чиқмасин. Францияда яратилган бу қурилмани чўнтакка солиб юриш мумкин. «Пилл метор» деб номланган бу қурилманинг ҳажми тўққизу олти ярим сантиметр бўлиб, у ўз вақтида дори ичишни эсга солади. Унинг рақамли экранида соатникига ўхшаш миллар бор. Ўша миллар керакли вақтда асбобни 60 дақиқа давомида қўнғироқ чалдиради. Шу билан бирга, қайси дорини ичиш кераклигини ҳам ўзи таклиф этади. Унда иккита бўлма жойлашган бўлиб, икки хил дори солиш мумкин. Асбоб батарея ёрдамида ишлайди.

● Мюнхень дорилфунуни профессори Райнер Пелканинг яратган қурилмаси нафақат бош оғриғидан, ҳаттоки об-ҳаво ўзгаришидан, суякларингиз зирқирашидан ҳам сизни халос этади. Қурилма чўзинчоқ тухум шаклида бўлиб, унинг сирти тилла суви билан сайқалланган. У электромагнит майдонига эга. Шу сабабдан ҳам бош оғриган пайтда «олтин тухум»ни пешонага тутилса бир зумда оғриқ йўқолади.

●Токионинг «Касима» қурилиш компанияси эндиликда одамлар ишлайдиган бир хил хонага компьютер орқали иқлимни мослаштириб тура оладиган қурилма ўрнатди. Бу қурилма вақтга қараб хона ҳарорати ва ҳидини ўзгартира олади. Масалан, эрталаб хоналарга лимон дарахтининг муаттар бўйини таратади. Бу ҳид одамларга тийраклик бағишлайди, демак одам зўр иштиёқ билан ишлайди. Тушликда эса улар атиргул ҳидидан баҳраманд бўлишади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, атиргул бўйи чарчоқни тарқатади.

● Британиялик заргар Пол Качински олти минг соат астойдил меҳнат қилиб олтин тухум тайёрлади. Бу антиқа тухумнинг атрофи 20 минг дона қимматбаҳо рангли тошлар билан безатилиб, ичига бир неча жуда кичик китобчалар жойлаштирилди. Китобчаларнинг варақлари махсус асбоб ёрдамида варақланиб, ўқиш учун махсус лупадан фойдаланилади.

● Қироллар ҳам турли нарсаларни йиғишга ишқибоз бўлишган экан. Қирол Эдуард V тахт йиққан бўлса, қиролича Елизавета IIнинг отаси Георг VI чойнаклар йиғишга жуда ўч бўлган. Унинг турли нусхадаги мингдан ортиқ чойнаги бўлган экан. Германиялик «темир канцлер» Отто Бисмарк ҳарорат ўлчагичлар тўплаган экан.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА МАЪМУРИЙ-РЕЖАЛИ ТИЗИМ САРҚИТЛАРИ ТУГАТИЛИБ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛДИ. БОЗОР ТУРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ БИЛАН БИР ВАҚТДА БОЗОР ИШТИРОКЧИЛАРИ ТУРЛИ СОҲАЛАРГА ИХТИСОСЛАШИБ, ТАДБИРКОРЛАР ҚАТЛАМИ ҚАРОР ТОПДИ.

Ислоҳотлар оқимида

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИКНИНГ БОШ МЕЗОНИ

— Натижада бошқа мулк шакллари билан бирга хусусий мулкдорлар синфи вужудга келди. Улар иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Бунинг учун мамлакатимизда иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланган бўлиб, «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир», — деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда хусусий мулк ривожига давлат томонидан алоҳида эътибор берилиб, иқтисодий жараёнида мулк ва мулкий муносабатларга иқтисодий барқарорликнинг бош шарти сифатида қаралди. Хусусий мулк ривожининг иқтисодий асоси давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари орқали яратилди. Хусусийлаштириш натижасида мулкка эгалик қилиш ҳиссининг ортиб боришига эришилди ва бунда энг муҳими, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун кишиларда иқтисодий онг шаклланди.

Бутун республикамиздаги каби, шаҳримиз хусусий секторида ҳам шахсий манфаат ва жавобгарликнинг юқорилигидан меҳнат унумдорлиги ва даромадларни ошириш учун рағбатлантирувчи кучли механизм яратилган. Хусусий мулк эгаси ва ёлланма ишчиларнинг бозор қоидаларига биноан ишлаб, фаолият натижаларидан олинадиган даромадлар даражасини ўстириш имкониятларини кенгайтириб, шаҳар аҳолисининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун хусусий тадбиркорларнинг ўзлари жавобгар эканлигини ҳис қилмоқдалар.

Хусусий мулкнинг шаҳар иқтисодиётдаги таъсирининг ошиб боришида дастлабки капитал ва унинг жамғарилиши муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллигимизнинг ўтган 14 йили давомида жамғарилган хусусий капитал ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Давлат мулкини хусусийлаштириш, даромадларнинг капиталлашуви ва хусусий капитал ривожи учун берилган кредитлар ҳисобидан шаҳар иқтисодиётида хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасининг ўсиб боришига эришилди.

Тошкент шаҳрида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойиллари — хусусий мулкнинг етакчи ўрни, тадбиркорлик ва таналаш эркинлиги, соғлом рақобатчилик муҳити, эркин нархлар ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг чекланганлиги билан изоҳланади. Бу тамойилларнинг амал қилиши фақат ҳуқуқий қонунлар доирасида ўз ифодасини топиши керак. Энг муҳими, бозор қонунларининг, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинликларининг амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда шаҳар иқтисодиётини тартиблашнинг бозор ва давлат механизмларининг уйғунлигини таъминлаш лозим.

Тошкент шаҳрида майда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар товар ва хизматларни истеъмолчилар талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бозорга чиқаради, шаҳарда аҳолининг иш билан бандлигини ошириб, даромад манбаига айланади ҳамда ишлаб топилган даромадга нисбатан истеъмолни қондиради. Ҳаётий тажриба майда ишлаб чиқариш кўламидаги ишлаб чиқариш ҳам ўз афзалликларига эга эканлигини тасдиқламоқда. Бунга ҳозирги даврда мини-технологияларнинг етарлича ривожланганлиги, кичик бизнесда меҳнат унумдорлигининг юқорилиги, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозордаги рақобатга дош бериш имконияти кенгайганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта миқдордаги капитал инвестицияларни талаб қилмаслиги, маҳаллий бозорга ёки миллий иқтисодиётдаги йирик компанияларга ишлаши, шу сабабли бозорга тез мослашиши, товарларни нисбатан арзонга сотиб, ҳалол даромадга эга бўлиши, даромад манбаларини излаб топишга интилиши каби омиллар асос бўлади.

Майда ишлаб чиқариш индивидуал саъй-ҳаракатлар асосида ташкил этилади. Бу фаолиятнинг пировард натижаси тадбиркорлик қобилиятига бевосита боғлиқ бўлади. Тадбиркорлик қобилияти эса шахсда мужассамлашган бўлганлигидан, ўтиш даврида майда ишлаб чиқариш ҳамда фойда олиш учун кичик бизнес билан шуғулланувчилар манфаатини бевосита ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки тоталитар тузумдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тадбиркорлик фаолияти дастлаб кичик кўламда ривож топади ва даврий кенгайиб боради.

Майда ишлаб чиқариш хусусий секторнинг ўзагини ташкил этади, чунки у хусусий мулкчиликка асосланган. Хусусий сектор эса эркин бозор тизимининг таянчи ҳисобланади. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги салмоғи ва мавқеи даромадларни ўстиришнинг бозор механизмига мос тушади ҳамда иқтисодий эркинликнинг бош мезони бўлиб қолади.

Равшан ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Ёз— ўтмоқда соз!

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

ЗАВҚЛИ, ШУНИНГ БАРОБАРИДА БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ ЙЎЛИДА ИЗЛАНИШГА УНДОВЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАНГАНИДАН СЎНГ МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШНИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТИШАДИ.



Жорий йилда шаҳримизнинг ўрта умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи ўқувчиларни дам олдириш ва соғломлаштиришга жалб этиш ишлари намунали тарзда йўлга қўйилди. Режада белгилаб олинганидек, 42503 нафар болажонларимиз Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқарадилар.

Жумладан, Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази ҳам жорий йилги соғломлаштириш ва ҳордиқ чиқариш мавсумида ўқувчиларнинг дам олишлари учун пухта ҳозирлик кўрди. Айниқса тажрибали педагог Ҳамида Ҳамидова раҳбарлигидаги тўгаракда ўзига хос иқтидор ва истеъдодга эга бўлган болажонларимиз халқ амалий санъатидан зардўзлик, каштачилик, матога бадиий безаклар ишлашни яхши ўзлаштирмоқдалар.

—Ўқувчиларимизнинг дам олиш онларини имкон қадар мазмунли ўтказиш педагогик фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади,— дейди Ҳамида опа биз билан суҳбатда.—Иқтидорли ўқувчиларимиздан 22 нафарининг турли йўналишдаги изланишлари «Қувноқ ёз», «Истиқлол чечаклари» сингари кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Улар орасида Анора Мусабекова, Маргарита Алимбекова, Дилфузахон Хонкелдиева, Зафар Султонов, Наргиза Мусабекова сингари ўқувчиларимиз томонидан тайёрланган халқ амалий санъати намуналари кўрик-танлов ҳайъати аъзолари томонидан илиқ қарши олинганлигини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Айтиш мумкинки, таълим ва касб-ҳунар ўргатишга ихтисослашган мазкур марказ фаолиятида ўқувчиларни соҳага йўналтириш билан бир қаторда мазмунли дам олишларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, деворга сурат чизиш, асфальтга расм чизиш, «Моҳир автомобилчи», «Ким чаққону ким топқир сингари» ўйинларини доимий ташкил этиб бориш болажонларимизнинг ижодий қобилиятини ўстиришга хизмат қиладиган жиҳатлари билан ажралиб туради.

—Болалигимданоқ кашта тикишга қизиқар эдим, —дейди тўгарак аъзоларидан бири Наргиза Алимбекова.—Ҳозирда тўгарагимизга раҳбарлик қилаётган мураббийларимиздан каштачилик, зардўзлик сингари халқ амалий санъати сирларини янада мукаммал ўзлаштиришга бор куч-ғайратимни сарф этмоқдаман, негаки бунинг учун биз таълим олаётган марказда барча шарт-шароитлар яратилган.

Хидирали ПАНЖИЕВ.

СУРАТДА: тажрибали педагог Ҳ.Ҳамидова раҳбарлигидаги тўгарак аъзолари доимий ижодий изланишда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ ҲИСОБЛАНГАН ЁШЛАРНИ КОМИЛ ИНСОНЛАР ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА МОС КЕЛАДИГАН ВАЗИФАЛАРДАН САНАЛАДИ. ШУНИНГ БИЛАН БИРГА АЙРИМ ЁШЛАРИМИЗНИ ГИЁВАНДЛИККА РУЖУ ҚЎЙИШДЕК БОШИ БЕРК КЎЧАДАН МУНТАЗАМ РАВИШДА ОГОҲ ЭТИБ БОРИШ БАЖАРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ИШЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ТАДБИР

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан Бош прокуратура, Шайхонтоҳур тумани ИИБ, Тошкент технологиялар ва менежмент коллежи, Шайхонтоҳур туманидаги О.Хўжаев номли фуқаролар йиғини ҳамкорлигида маҳалла гузарида бўлиб ўтган «Ёшлар ўртасида гиёвандликнинг олдини олишнинг ҳуқуқий-маърифий асослари» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирда асосий эътибор юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишларга қаратилди.

Йиғилишга маҳалла фаоллари, Тошкент технологиялар ва менежмент коллежининг бир гуруҳ талабалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди. Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент технология ва менежмент коллежи директори Зиёдулла Эрматов кейинги пайтларда айрим ёшларнинг гиёвандликка берилиб кетиши оқибатида келиб чиқаётган баъзи кўнгилсизликлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида қисқача маълумот берди. Шундан сўнг сўз олган О. Хўжаев маҳалла фуқаролар йиғини раиси Забихилла Жўраев, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди Акром Акмалов, Республика Бош прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими катта прокурори Отабек Қўлдошев, «Фотимаи Заҳро» жоме масжидининг имом хатиби Худоёр қори Рўзметовлар ёшлар маънавияти, улар ўртасида гиёвандликнинг олдини олишнинг эътиборга молик йўллари, бу борада маҳалла, ўқув-таълим муассасаларида олиб борилаётган чора-тадбирлар борасида тўхталиб ўтишди.

Таъкидлаб ўтилганидек, кейинги пайтларда инсониятнинг соғлом турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатаётган иллатлар кўпайиб бормоқда. Гиёвандлик ана шу иллатлар орасида ўзининг мудҳиш оқибатлари билан ажралиб туради. Уни истеъмол қилиш орқали қанчалаб оилаларда нохуш ҳолатлар рўй бермоқда. Шу боис айнан ёшларимиз ундан ҳазар қилишлари, героин, кокаин сингари гиёванд моддалар таъсирига тушиб қолмасликлари учун мудом сергак туришлари лозим.

Йиғилиш давомида талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олдилар.

Ҳумоюн АЛИЕВ

ИШГА МАРҲАМАТ!

Бандлик хизмати

БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАР АСОСИДА

БИЗНИНГ БУГУНГИ СУҲБАТДОШИМИЗ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМИ РАҲБАРИ БАХТИЁР МИРХОНОВ ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН ЖАМОА АҲЛИНИНГ АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ, КЕЛГУСИГА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАРИ ҲАҚИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:

—Меҳнат бўлимимизнинг фаолият доираси кенг бўлиб, ишимиз бошқарма, ташкилот, муассаса, фирмалар ва албатта, туманимиздаги мавжуд 58 та маҳаллалар билан узвий равишда боғлиқлигини алоҳида таъкидламоқчиман. — Жамоамизнинг асосий вазифаси туманимизда истиқомат қилувчи доимий иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ўзлари хоҳлаган мутахассисликларига кўра ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш, қайта ўқитиш. Шу билан бирга, маҳаллалардаги 2 ёшгача ва 18 ёшгача нафақа олувчиларга ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенгма-тенг рақобатга кириша олмайдиган, қисмини ташкил этадиган ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг битирувчилари, жазони ўташ жойларидан бўшаб келган фуқароларга тегишли ёрдам кўрсатиш меҳнат бўлими ходимлари амалга оширадиган ишлар сирасига киради, албатта.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, меҳнат бўлимимизнинг иш самарадорлиги ошишида асосий омил—юртимизда Истиқлол шарофати билан иқтисодиётимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда хусусий секторни ривожлантириш ҳисобига эришилаётган ютуқларда яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса, Президентимизнинг жорий йилнинг 5 январидаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Собир Раҳимов туманида фаолият юритаётган йирик корхоналар—«Тошкентмебель» корхонаси, «Олмос-текс» ҳамда «Моҳир қўллар» масъулияти чекланган жамиятлари, Кар-соқовлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси, «ONIKS» акциядорлик жамияти, шунингдек «Қўштут», «Қорасарой» маҳаллаларидаги хусусий тадбиркорлар билан шартномалар тузилиб, йил бошидан 313 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Қувонарлиси, улардан 190 нафарига меҳнат дафтарчалари очилди...

Жорий йил бошидан меҳнат бўлимимизга 887 нафар фуқаролар иш сўраб мурожаат этганлар, улардан 705 нафари ишга жойлаштирилди. Жумладан, бош бошқармага қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига 121 нафар фуқаролар йўлланмалар билан юборилди. Меҳнат бўлимимизга қарашли бир маротабалик вақтинчалик иш билан таъминлаш маркази ҳам фуқароларимизга янада қулайлик яратиш,уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шартномалар асосида ишга йўллаш масалаларини кўриб чиқиб, жамоат ишларига 26 нафар фуқароларни юборди.





Аниқ режалар асосида иш юритаётган жамоамиз аҳли туманимизда истиқомат қилувчи аҳолининг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, кўплаб фуқароларга ишсизлик мақомини бериш, муддатидан илгари нафақага чиқариш ҳамда ишсизлик нафақаси тайинлашни амалга оширади. Бундан ташқари, маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли: кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, туманда фаолият юритаётган корхоналарда меҳнат бозорида тенгма-тенг рақобатга киришолмайдиган фуқаролар учун квотали иш жойлари ҳам яратилган.

Яқин ҳамкорларимиз ҳисобланган маҳаллалар, айниқса, Гани Аъзамов, «Чимбой», «Гузарбоши», «Эски шаҳар», Мискин, «Аллон», маҳаллалари оқсоқоллари билан ўзаро ҳамкорликда унумли иш юритаётган малакали инспекторлар Феруза Одилова, Дилбар Носирова, Шоҳида Абдурахмоновалар шунингдек, ишга жойлаштириш ҳамда касбга йўллаш шўъба мудири Шуҳрат Бобожоновларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугуннинг долзарб масаласи ҳисобланган, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат бўлимимиз туман миқёсидаги 3 та катта меҳнат ярмаркаларини уюшқоқлик билан ўтказди. Яқинда ташкил этилган «Битирувчи—2006» деб номланган меҳнат ярмаркаси «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ўтказилиб, битирувчи ёшларга жамоамизнинг кенг доирадаги фаолияти, мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида батафсил ахборотлар, малакали маслаҳатлар берилди.

Муқаддас УМАРБЕКОВА ёзиб олди

СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туман меҳнат бўлими жамоа аҳлининг иш фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Иқтисодиёт

ҲАММАГА БИРДАЙ МАНЗУР

ЁЗ МАВСУМИНИНГ ЖАЗИРАМА ИССИҚ КУНЛАРИДА ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР, АЙНИҚСА, ХИЛМА-ХИЛ, БИР-БИРИДАН МАЗАЛИ МУЗҚАЙМОҚЛАР КАТТАЮ КИЧИККА БИРДЕК ХУШ ЁҚИБ, РОҲАТ БАҒИШЛАЙДИ.

«Пойтахтликлар «NORTH STAR» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг нафақат кўплаб турдаги сифатли, хуштаъм музқаймоқларини, балки бири-биридан чиройли безалган тортларини аллақачон севиб истеъмол қилмоқдалар.

Мазкур жамиятнинг бугунги кунга келиб 40 нафарга яқин малакали, ғайрат-шижоатли ишчи-хизматчилари асосий эътиборни сифатга қаратган ҳолда фаолият юритмоқда. Айниқса, цехдаги хорижий, юксак самарали дастгоҳ, ускуна ҳамда технологик линиялар ишчиларга ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Ички бозорни чуқур ўрганиш, мижозларнинг хоҳиш-истагини инобатга олган ҳолда тайёрланаётган музқаймоқларнинг «Кау-кау», «Апельсинли», «Шафтолили», «Қулупнайли», «Олмали», «Смородинали», «Малинали» каби кўплаб турлари нафақат мазали ва тўйимли, балки чиройли қадоқланиши билан эътиборни тортади. Жумладан, «Ўрмон эртаги», «Болалар дунёси», «Сеҳрли туш», «Шоҳ ва малика», «Мусиқа», «Пломбир» каби музқаймоқли тортлар ва пирожнийлар ҳам харидоргир ҳисобланади.

ЯНГИ ЦЕХ ОЧИЛАДИ

ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН КИШИЛАР ЧУҚУР БИЛИМЛИ, СЕРҒАЙРАТ, ТАШАББУСКОР ҲАМДА ДОИМО ЯНГИЛИККА ЎЧЛИКЛАРИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. АЙНИҚСА, УЛАРНИНГ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ҚАДАМ ТАШЛАШЛАРИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.

Чилонзор туманида 2003 йилда фаолият бошлаган хусусий тадбиркор Собиржон Рўзиев кичик корхона очиб, маҳалласининг 8 нафар ёшларини иш билан таъминлади. Цехларда ўрнатилган самарали кичик новвойхона, дастгоҳ ва ускуналар Германия давлатидан келтирилган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган.

Ризқ-рўзимиз, дастурхонларимиз кўрки ва асосийси, саломатлигимиз учун зарур ҳисобланган нонлардан бугунги кунда 18 хилини сифатига асосий эътибор қаратган ҳолда ишлаб чиқараётган корхона аҳли, уларнинг харидоргирлигини таъминлаш йўлида доимий изланишда. Йил бошидан тайёрланаётган уч турдаги шифобахш ҳисобланган парҳез нонлар ҳам ўз мижозларига эга. Йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига корхона тадбиркорлари кичик қандолатчилик цехини ҳам ишга туширишни мақсад қилганлар.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА

ҚЎШМА КОРХОНА ОДИМЛАРИ

БУНДАН РОППА-РОСА БЕШ ЙИЛ АВВАЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА БУ ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН ЭДИ.

«Шайхонтоҳур-текстиль» деб номланган мазкур корхонанинг юзага келиши мамлакатимиз аҳолисининг трикотаж матоларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қоплашда муҳим омил бўлди.

Корхона Туркиядан олиб келинган энг замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Бу эса халқаро андоза талабларига тўла жавоб берувчи аъло сифатли тўқимачилик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш учун замин яратди.

Ҳозир бу ерда юздан ортиқ номда маҳсулот тайёрланмоқда. Уларнинг аксарияти эса четга экспорт қилинмоқда. АҚШ, Европа ва Ҳамдўстлик давлатларидан ҳам буюртмалар келиб турибди.

Қўшма корхонанинг Тошкентда учта савдо дўкони очилган.

БАНК КРЕДИТ АЖРАТДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК-АВСТРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИДАН БИР НЕЧТАСИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

«Декс-инвест» деб номланган корхона маҳсулотлари ҳам харидоргир бўлиб қолди.

Бу ерда металли черепицалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун «Асака» банки етарли миқдорда кредит маблағи ажратди. Яқин орада бу хил материаллардан дастлабки туркуми тайёрланади.

Бундан уч йил аввал юзага келган бу корхона шу давр ичида уч ярим миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берди. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида «Декс-инвест» қўшма корхонаси 600 миллион сўмдан ортиқ миқдорда маҳсулот тайёрлашга эришди. Бундан кейин ҳам унинг маҳсулотларига талаб ортиб бораверади.

«ОНИКС»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

«ОНИКС» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МОЛЛАР ХАРИДОРГИР БЎЛИБ БОРМОҚДА.

Биллур ва манзарали ойналардан тайёрланаётган халқ истеъмол моллари эса четга экспорт қилинмоқда.

Корхона янги хил оммабоп моллар ишлаб чиқаришга доир қатор янги технологияларни ҳам амалга оширди. Терма жиҳозлар технологияси бўйича ишлаб чиқариладиган маиший хизмат моллари ҳам сотувга чиқарилади. Корхона молларини Россия ва Хитойга экспорт қилиш ҳам режалаштирилди. Шунингдек янги хилдаги маҳсулот турлари сотувга чиқарилади.

Акбар АЛИЕВ





Ёшлар — келажагимиз

ҲАР КИМ ЁҚҚАНИНИ ТАНЛАЙДИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗДА КЎПГИНА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ҲАМ КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ БЎЛГАН ЁШЛАРГА ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН БИЛИМ БЕРИШГА ИХТИСОСЛАШГАНЛИГИ БИЛАН ЭТИБОРГА ЛОЙИҚ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарорига кўра 1998 йилда лицей-интернат негизида академик лицей фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда ушбу ўқув муассасасида 4 та — аниқ фанлар; табиий фанлар; хорижий филология ва ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича 351 нафар ўқувчилар таълим олмоқдалар.

—Ўқув масканимизда, — дейди академик лицей директори Умида Йўлдошева, — 48 нафар тажрибали, ўз касбига алоҳида меҳр қўйган педагоглар жамоаси ёшларга сабоқ беради. Улардан 1 нафари фан доктори, профессор, 7 нафари фан номзодлари ҳамда илмий тадқиқотчилардир. Иқтидорли ўқувчиларнинг ўз истеъдод ва имкониятларини намоён этишларида, умуман ҳар бир ўқувчининг интеллектуал салоҳияти, мулоҳаза юритиш борасидаги ўзига хосликкa педагоглар жамоаси алоҳида эътибор қаратишади.

Мазкур лицейнинг ўқув корпусида 36 та ўқув хоналари, информатика, физика, биология лабораториялари ҳамда лингафон хоналари Жанубий Корея давлати кредити ҳисобидан жиҳозланган. Жумладан, яна бир ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан 2006— Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан академик лицейнинг кутубхонаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» хонаси 1 миллион 800 минг сўмликдан зиёд замонавий жиҳозлар билан таъминланди, ушбу ташкилот ҳомийлиги давом этмоқда. Ҳамкорлар кўмаги ўқувчиларнинг режага кўра барча лаборатория ишларини кўнгилдагидай, тўлақонли бажаришлари имкониятини беради, ёшларда ўзига ишончни ҳам орттиради.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури вазифаларидан келиб чиқиб, таълимни тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш, лицейда ўқув жараёнини тубдан яхшилаш, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда ўқитувчиларнинг доимий равишда ўз устида ишлаш масаласи, яъни уларнинг замон билан ҳамнафас бўлишлари мақсадларида кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган. Айниқса, педагоглар жамоаси ўртасида «Йил ўқитувчиси» ва гуруҳ мураббийларидаги «Энг намунали мураббий» номинациялари асосида беллашувлар анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Мазкур лицей жамоаси ўқувчиларнинг ўқиш даврини қизиқарли, сермазмун ва самарали ўтказишлари учун «Очиқ эшиклар куни», турли учрашувлар, «Ким? Қачон? Қаерда?», «Интеллектуал олимпиада», «Компьютер ўйинлари», «Сиз тарихни биласизми?» каби, кўрик-танловларда ёшларнинг фаол қатнашишларига эришмоқда ҳамда танловларда иқтидорли ўқувчилар лицейлараро, туман, шаҳар ҳамда кўп бора республика миқёсида таълим масканларининг шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Бу ишларда академик лицей жамоасига яқин ҳамкорлари—Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг етакчи мутахассислари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши аъзолари, кўплаб халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари яқиндан мадад беришмоқда.

Ҳозирда лицейда таълим соҳасидаги ютуқларни янги босқичга кўтаришни эзгу мақсад қилган жамоа аҳли янгидан-янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Уларнинг барча изланиш интилишлари ёшларнинг чуқур билимли, кенг салоҳиятли, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига қаратилганлигига амин бўлдик.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей ҳаётидан лавҳалар

Саломатлик

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР –МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

●Қобилжон ИСМОИЛОВ, Тошкент шаҳар тиш техниклар уюшмаси раиси:

—Дунёда касблар жуда кўп, аммо улар орасида шундай ўзига хос касб борки, у ҳам бўлса инсонлар дардига малҳам бўладиган, саломатликларини тиклашга муносиб ҳисса қўшадиган ширинсўз тиббиёт ходимлари—шифокорлару қўли енгил ҳамширалар...

Оқ халатли тиббиёт ходимлари орасида ўз касбига меҳр қўйган тиш техниклари ҳам аҳолидан доимо ташаккур эшитади. Стоматология ҳам замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожланиб бормоқда. Яъни, ушбу соҳада энг замонавий, юксак самарали, илғор дастгоҳ ва ускуналар ўз ўрнида қўлланилмоқдаки, шу боис ҳам бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар анчайин муваффақиятли кечмоқда.

2004 йилда иш фаолиятини бошлаган уюшмамизнинг мақсад ва вазифалари айнан юртимизга кириб келаётган хорижий, етакчи фирмаларнинг техник дастгоҳларидан жойларда унумли фойдаланишни ўргатиш, соҳадаги замонавий йўналишлар билан таништиришдан иборат. Қувонарлиси, сафларида 500 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган жамоамиз интилиши, изланишлари боис ҳамкорларимиз доираси ҳам кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб, яқин ҳамкорларимиз: Германия давлатининг жаҳонга машҳур «Шютс» ҳамда «Ивоклар Вивадент» компаниялари вакиллари ўз тиббий технологиялари билан бизга малакадор бўлмоқдалар. Германиялик тадбиркорлар ҳозирда дунёдаги 60 фоиз, Россия давлатидаги 75 фоиз замонавий стоматологик жиҳоз, дастгоҳ ҳамда ускуналарни етказиб берувчилари ҳисобланади. Ўз навбатида жуда мукаммал бўлган тиббиёт ускуналари ишлатишда қулайлиги ва осон бошқарилиши, айниқса, инсон саломатлиги учун безарар эканлиги билан алоҳида аҳамиятли ҳисобланади.

Қувонарлиси, апрель ойида пойтахтимизнинг муҳташам «Ўзэкспомарказ»нинг кўргазмалар павильонида ўтказилган «Ўзбекистон стоматологияси—2006» халқаро кўргазмасида уюшмамиз фаол қатнашди. Ушбу кўргазма туфайли германиялик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли шартнома тузиш хусусида айни кунларда қизғин иш олиб бормоқдамиз.

Касб маҳоратини оширишни истовчилар учун уюшма қошида кичик гуруҳлар ташкил этилган. Тингловчилар—замонавий тиш техникларига жаҳон талабларига жавоб берадиган материаллардан тиш ясашларига кўмак бериб, хорижий дастгоҳларда энг юзиктаъб мижозга ҳам маъқул бўладиган маҳсулот тайёрлашни ўрганишларига имконият яратилмоқда. Қизиқувчан ёшлар—тиш техникларининг йил сайин сафлари кенгайиб бораётганлиги эса тўғри йўлни танлаганимизга шак-шубҳа қолдирмайди. Келгусида эса бу ёшлар ўз касбининг ҳақиқий устаси, юқори маҳорат эгаси бўлишига умид туғдиради.

Сўранг, жавоб берамиз

МАОШ САҚЛАНМАГАН ТАЪТИЛ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

ОИЛАВИЙ ШАРОИТИМ ТУФАЙЛИ ИШ ҲАҚИ САҚЛАНМАГАН ҲОЛДА БЕРИЛАДИГАН ТАЪТИЛ ОЛМОҚЧИ ЭДИМ. БУНДАЙ ТАЪТИЛЛАР ҚАНЧА МУДДАТГА БЕРИЛАДИ ҲАМДА ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ? ШУ ҲАҚДА МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ

Хуршида Юнусова, Юнусобод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 150-моддасига мувофиқ, ходимнинг аризасига биноан, унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг муддати эса ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Яъни, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш сабаблари нимадан иборатлигидан келиб чиқиб, иш берувчи ходимга таътил бериши мумкин.

Ходим иш берувчига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиб, таътилга чиқиш санасини, сабабларини ва муддатини баён қилади. Иш берувчи ходим келтирган асосларни ўрганиб чиқиб, ишлаб чиқариш заруриятини инобатга олиб, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътилни буйруқ билан расмийлаштиради.

ПЕНСИЯГА ЧИҚИШИМ МУМКИНМИ?

МЕН УЗОҚ ЙИЛЛАР БИР НЕЧТА ТАЪМИРЛАШ-ҚУРИЛИШ УЧАСТКАЛАРИДА УСТА ВАЗИФАСИДА ИШЛАБ КЕЛМОҚДАМАН. ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА, ЯЪНИ 55 ЁШДАН ПЕНСИЯГА ЧИҚИШИМ МУМКИНМИ?

Раҳим Асқаров, Бектемир тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 12 майда тасдиқланган ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати XXVIII қисмида қурилиш ва монтаж ишларида ишловчи усталар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Бироқ қурилиш участкаларида уста (мастер) бўлиб ишлаган шахслар ушбу рўйхатда назарда тутилмаган.

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

СУҚРОТ ҲАКИМ НАСИҲАТИ

Панду насиҳат тингламоқ дилни ҳушёр ва сезгир, қалб ичини равшан ва мусаффо қилади. Халойиқ ҳар қандай кўпол, қаттиқ гапирувчи ва юзсиз одамни душман деб билади. Нодон одам синалмаган кишидан эҳтиёт бўлишни билмайди.

Энг ғофил одам шундай одамки, ўзининг айбини сезмайди, ўзгаларнинг айбини кидириш ва гапириш билан машғул бўлади. Икки одам ҳеч қачон камбағал бўлмайди: доно олим ва қаноат соҳиби.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМНИНГ ЎЗ ЎҒЛИГА НАСИҲАТЛАРИ

У ўз ўғлига айтди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут, одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса, уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғамқайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи осилтириб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, жангу-жадалдан қоч. Сенга иш буюрсалар—бажар, ваъда қилсанг—албатта бажар. Ҳеч кимни ранжитма».

ДИЛКАШ САВОЛ-ЖАВОБ

Сўрадим: «Содиқ дўстнинг нишонаси қандай? Айтди: «Шундайки, хатоларингни бировга ошкор қилмайди, панду насиҳат билан тузатади, сиринги бировга ошкор қилмайди, ўтмишдаги ишларингни юзингга солмайди». Сўрадим: «Қандай қилсам хотиржам бўламан?» Айтди: «Бировни кўркитма, дўстларингни ўзингдан совутма».

Сўрадим: «Яхшилик қандай бўлади?» Айтди: «Бирор нарса умид қилмаган ҳолда ўзини камтар ва паст тутиш. Сахийлик қилиш, аммо уни миннат қилмаслик. Хизмат қилиш, аммо ҳақини талаб қилмаслик. Сўрадим: «Ҳаётни қандай осон ўтказиш мумкин?» Айтди: «Софдиллик, чидам ва таъмагирликсиз».

Сўрадим: «Нима қилсам одамлар мени яхши кўради?» Айтди: «Муомалада қўполлик қилма, ёлғон гапирма, тил билан бировнинг дилини оғритма». Сўрадим: «Илм ўрганишдан нима топилади?» Айтди: «Улуғ бўлсанг, буюк ном топасан, камбағал бўлсанг, бой бўласан, элга танилган бўлсанг, яна ҳам таниласан».

ЛАВҲАЛАРДАГИ НАСИҲАТЛАР

Форс юртида бир шаҳар бўлиб, уни Истахриж деб атадилар. Шу шаҳарда бир хазинани топиб олдилар. Хазина ичида бир лавҳа (насиҳат ёзилган тахта) олтиндан бўлиб, уни форс тилига таржима қилган эдилар. Мана ўша насиҳатлар:

«Инсонга ҳамма нарсани тутиш осон, аммо ўзини тутиши қийин. Меҳр ва шафқати йўқ одамга ҳаёт ва ўлимнинг фарқи йўқ. Энг пасткаш одам шундай одамки, қўлидан келса ҳам бировнинг ҳожатини чиқармайди. Биров ҳақида ёмонлаб гапиргандан кўра, сенга ёмон гапиргани яхшироқ. Шармандали одам шундай одамки, қиламан деб даъво қилади, биламан деб лоф уради, аммо қўлидан ҳеч нарса келмайди».

БУЗУРГМЕҲРНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Бузургмеҳрдан сўрадилар:

— Ақлли одамлар нимага интилмайдилар?

— Нокасларнинг мақтовига ва пасткашларнинг ёрдамига! — деди у.

Яна сўрадилар:

— Билимсиз ким?

— Шошиб иш қиладиган ва ўз билганидан қолмайдиган,—деди у.

Яна сўрадилар:

— Донони нима зийнатлайди.

— Яхшилик қилиш,—деди у.

Яна сўрадилар:

— Ботирга нима яхши?

—Кечириш!—деди у.

Яна сўрадилар:

— Ким билан дўстлик қилиш яхши?

— Ҳасадсиз киши билан!—деди у.

Яна сўрадилар:

— Ҳақиқий мард ким?

— бировга нарса бериб, орқасидан шодланган ва ҳеч қачон миннат қилмайдиган киши,—деди у.

Яна сўрадилар:

— Ақлли ким?

— Бировдан ёмонлик кўрса ҳам, унга қарши хусумат қилмайдиган одам!—деди у.

ДИЛКАШ САВОЛ-ЖАВОБ

Анушервон Бузургмеҳрдан сўради:

— Бахтли одам ким?

— Уч нарсани уч нарса билан безаган, яъни фикрни тўғрилик билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан!—деди у.

Яна сўради:

— Номуносиб дўстдан қандай қутулса бўлади?

— Зиёратига бормаслик ва нарса сўрамаслик билан!—деди у.

Яна сўради:

— Покиза инсонлардан қандай узр сўрадилар?

— Ҳожатини раво қилиш билан!—деди у.

Яна сўради:

— Яширин сирлар қачон ошкор бўлади?

— Мастликда! — деди у.

Яна сўради:

— Кўришдан кўзга қувват ва нур ҳосил қиладиган нима?

— Вафодор хотин ва қобил фарзандлар!—деди у.

Яна сўрадилар:

— Жондан ҳам ширин нарса нима?

— Беғараз дўст суҳбати!—деди у.

Яна сўради:

— Аччиқ бўлса-да, ўта ширин нима?

— Кучли ғазабини ичга ютиш,—деди у.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Тадбирлар

ОИЛА — МУҲАББАТ ҚАСРИ





ОИЛА — МУҚАДДАС ГЎША, ОИЛА — МУҲАББАТ ҚАСРИДИР. УНИ БИНО ҚИЛИШ, АСРАБ-АВАЙЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗДИР. АЛБАТТА БУ ГЎШАДА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК, БАХТ-САОДАТ БАРҚАРОР БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУР. ЗЕРО СОҒЛОМ ОИЛАДА СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛ ТОПИШИ ШУБҲАСИЗ.

Оила Ватаннинг мўъжаз бўлаги,
Ишонч қудрати, томир юраги
Пайдо этганидек ирмоқлар денгиз
Ҳосил бўлди ундан мамлакат тенгсиз.

Республикамизда оила мавқеини ошириш, мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган «Оила кодекси», Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг бир қатор Фармон ва қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Чилонзор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» ва «Оила» марказларининг туман бўлимлари, ФҲДЁ бўлими, «Наврўз» никоҳ уйи ҳамда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорликларида Оила саводхонлиги мактаби ташкил этилган эди. Яқинда мазкур мактабнинг навбатдаги машғулоти Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. «Оила- муҳаббат қасри» деб номланган амалий машғулотга Чилонзор туманидаги ўрта махсус, касб- ҳунар коллежлари, лицейлар ва ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, оила қуриш бўсағасида турган бўлажак келин-куёвлар қатнашдилар. Тадбирни Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг Маънавият ва маърифат бўлими мудири Музаффар Жаъфаров олиб борди. Дастурга мувофиқ саҳнанинг «Эъзоз» даврасига Чилонзор туманидаги икки нафар ибратли оила соҳиблари — 60 йил биргаликда тотув турмуш кечирган - 85 ёшли Садриддин Йўлдошев ва Нина Йўлдошевалар ҳамда 50 йилдан ортиқ бирга турмуш кечириб 80 ёшни қаршилаётган Ўктам ота Қўзиев ва Марғуба ая Тўлагановалар таклиф қилинди. Табаррук қарияларга ташкилотчилар томонидан гулдаста ва совғалар топширилди. Хушовоз хонандаларнинг ота-оналарни мадҳ этувчи қўшиқлари даврага янада файз киритди. Ўз навбатида тадбир меҳмонлари бўлган намунали оила соҳиблари ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари, оила, унинг муқаддаслиги ҳақида сўзладилар. Шунингдек, машғулот иштирокчиларининг «Оила мустаҳкамлигининг асоси нимада?», «Ҳозирги замонавий тўйларга муносабатингиз?» сингари саволларига батафсил жавоб бердилар.

— Оила саводхонлиги мактабининг асосий мақсад ва вазифалари — оила саводхонлигини ва унинг тарғиботини юксалтириш, оила қурувчи ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий билимларини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг оила қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини кўтаришдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муаттар Содикова. — Шунингдек миллий урф-одат ва анъаналаримизни, оила муҳаббат қасри эканлигини, муқаддаслигини кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлар, фуқаролик кодекси, оила кодекси ҳамда оилага оид Президентимиз ва ҳукуматимиз Фармон ва қарорлари, дастурларини тингловчиларга таништириш,уларни тарғиб этишдан иборат. Булардан ташқари ёш келинкуёвларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилашда, замон талабини тўғри тушунишда ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англашда, қийинчиликларни бартараф этишда, уларнинг соғлом оила қуришлари ва соғлом фарзанд кўришларида тиббий кўрикнинг моҳияти, ҳар томонлама етук ва баркамол фарзандларни тарбиялаш асосларини тарғиб этиш ишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Дилбар куй-қўшиқлар, қизғин савол-жавоблар остида ўтган оила саводхонлиги мактабининг 6-машғулоти йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Оила — муҳаббат қасри» оила саводхонлиги мактаби машғулотидан лавҳалар.

Раҳмонбек Исломов олган суратлар

Футбол

ШИДДАТЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

ГЕРМАНИЯДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ГУРУҲ БАҲСЛАРИ ЯКУНЛАНИБ, НИМЧОРАК ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАН ТЕРМА ЖАМОАЛАР НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ, ДАСТЛАБКИ 1/8 ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Ўтган ҳафтанинг жума кунида G ва H гуруҳларида уюштирилган учинчи тур баҳслари миллионлаб футбол мухлисларига шов-шувли натижаларни тақдим этмади. Аксинча, жаҳон чемпионати қизғин паллага киргани сайин аввалдан кўпчилик томонидан гуруҳ фаворитлари деб эътироф этилган терма жамоалар нимчорак финалга йўлланма олишди. Бир сўз билан айтганда жаҳон чемпионатида кучлилар сараланмоқда.

Испания терма жамоасидан 0:4 ҳисобида мағлубиятга учраб, Осиё қитъаси вакиллари — Саудия Арабистони чарм тўп усталарини 4:0 ҳисобида енгиб, мутахассислару мухлисларни ҳайратга солган Олег Блохин бош мураббийлигидаги Украина терма жамоаси Берлин шаҳридаги стадионда тунисликларга қарши майдонга тушди. Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритиш учун украинларга ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Андрей Шевченко, Сергей Ребров, Андрей Воронин сингари юлдуз футболчилари билан майдонда ҳаракат қилган Украина терма жамоаси рақиб дарвозасига ҳужум уюштиришда, тўп билан муомала қилишда, чиройли комбинациялар уюштиришда тунисликлардан бироз устунлик қилган бўлсада, Африка қитъаси вакиллари дарвозаси 70-дақиқадагина аниқ нишонга олинди. Украиналиклар томонидан уюштирилган хавфли ҳужум чоғида Тунис терма жамоаси жарима майдони ичкарисида Андрей Шевченко усталик билан «йиқилгани» сабабли ҳакам буни ҳимоячиларнинг хатоси дея ҳисоблаган ҳолда тунисликлар дарвозасига 11 метрлик жарима тўпини белгилади. Шевченконинг ўзи маромига етказиб бажарди. 1:0. Қолган 20 дақиқа мобайнида ҳар икки томон футболчилари ҳужумга қанчалик зўр беришмасин, ҳисоб ўзгармади. Мутахассислар аввалдан эътироф этган Украина ва Испания терма жамоалари гуруҳда ғолибликни қўлга киритишди.

Ушбу гуруҳнинг —Испания-Саудия Арабистони терма жамоалари учрашувида ҳам мухлислар биттагина голнинг гувоҳига айланишди. Маҳорат бобида араблардан анча кучли бўлган испанлар 1:0 ҳисобида зафар қучишиб гуруҳда биринчи ўринни эгаллашди.

Шунингдек, G гуруҳи вакиллари — Жанубий Корея—Швейцария, Франция — Того терма жамоалари ўртасидаги учрашувлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Сабаби, Францияда ҳам, Швейцария ҳамда Жанубий Кореяда ҳам нимчорак финалга чиқиш имконияти бор эди. Шу боисданми, Ганновер шаҳри стадионида бўлиб ўтган Швейцария — Жанубий Корея терма жамоалари учрашуви шиддатли курашларга бой, муросасиз кечди. Тан олиш жоизки, осиёликлар европаликларни кўп ҳолларда эсанкиратиб қўйишди. Тезкорлик, ҳужумкорлик бобида сермазмун ўйин намойиш этган қитъамиз вакилларидан шу куни омад юз ўгирди. Чунки ҳужумларни самарали якунлаш бобида осиёликларга аниқлик етишмади. Футболдаги «сен урмасанг, сенга уришади» қоидаси ушбу ўйинда яна бир карра ўз исботини топди. 24, 77-дақиқаларда тиниб-тинчимас Филлип Сендероз ва Александр Фрай рақиблари дарвозасини ишғол этишиб, швейцарияликларга зарур бўлган 2:0 ҳисобидаги ғалабани тақдим этишди.

Ушбу гуруҳдаги Франция — Того терма жамоалари баҳсида ҳам 2:0 ҳисоби қайд этилди. Мухлисларга қувончли онларни ҳадя этган голларни Африка қитъаси вакиллари дарвозасига Патрик Виера ва Тьери Анри йўллашди. G гуруҳидан нимчорак финалга Швейцария, Франция терма жамоалари йўл олишди.

Ниҳоят чемпионатдаги кучлилар бир қур сараланиб олгач, шанба ва якшанба кунлари дастлабки нимчорак финал ўйинлари бўлиб ўтди.

Учрашувларни биринчи бўлиб Германия—Швеция жуфтлиги бошлаб берди. Аслини олганда, ҳар иккала жамоа чемпионатда ёрқин ва ҳужумкор ўйин кўрсатаётгани боис мазкур беллашувнинг ҳам қизиқарли ўтиши кутилганди ва мухлислар адашишмади. Ўйин немисларнинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди. 4-дақиқада Миролав Клозе икки ҳимоячи ўртасидан ёриб ўтиб дарвозага хавф солганида дарвозабон қайтарган тўпни Лукаш Подольски тўрга туширган ҳолда ҳисобни очишга муваффақ бўлди.

Орадан 8 дақиқа ўтгач, яна Клозе оширган тўпни Подольски дарвозага аниқ йўллаган ҳолда жаҳон чемпионатидаги ўзининг учинчи голини киритди.

Сўнг шведлар анча жонланишди. Бироқ 35-дақиқада Тедди Лучичнинг «қизил» карточка олиб майдондан четлатилгани шведларни жуда қийин аҳволга солиб қўйди.

Шундай бўлса-да, 2-бўлимда ҳам шведлар тўп киритиш учун бор куч-маҳоратларини ишга солишди. 52-дақиқада Хенрик Ларссон ўзини йиқитишгани учун белгиланган Пенальтини жуда ноаниқ тепиб 100 фоизлик имкониятни бой берди. Ўз навбатида майдон эгаларининг икки зарбаси устунга тегиб қайтди. Кўп ҳолларда эса шведлар дарвозабони Андреас Исааксоннинг маҳорати ила ҳисоб ўзгармай қолди. Таъкидлаш жоизки, Германия терма жамоасининг янги бош мураббийси Юрген Клинсманн жуда ажойиб жамоани шакллантиришга муваффақ бўлган. Фикримизча чемпионатда энг чиройли ва умидбахш ўйинни Бразилия ва Германия термаси кўрсатмоқда. Бинобарин, улар чемпионликка биринчи даъвогарлардир.

Аргентина— Мексика баҳсида ҳам асосий «воқеа»лар ўйин бошларида кечди. 6-дақиқада мексикалик Рафаэль Маркес ҳисобни очган бўлса, 10-дақиқада Эрнан Креспо аниқ зарба йўллагани ҳолда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани юзага келтирди. Шундан сўнг учрашув гўё қайтадан бошланди. Мексикаликлар ҳам кучли рақибларига бўш келишмади. Шу тариқа иккала бўлим охирларига қадар ҳужумчиларнинг барча уринишлари зое кетиб дарвозаларга бошқа тўп киритилмади.

Белгиланган 30-дақиқалик қўшимча вақтда аргентиналикларнинг жисмоний тайёргарлиги кучлироқ эканлиги сезилди. 98-дақиқада Аргентина терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Макси Родригес жарима майдончасига кираверишда ўнг қанотда туриб узокдан узатилган тўпни кўкраги орқали қабул қилиб, ерга туширмасдан кучли зарба билан иккинчи голни киритди. Бу шубҳасиз, XVIII жаҳон чемпионатида киритилган энг чиройли тўп эди. Ўйин охиригача ҳисоб ўзгармади ва Аргентина чорак финалга йўлланма олди. Аргентиналиклар кейинги босқичда майдон эгалари билан баҳс юритишади.

Кеча нимчорак финалда дастлаб Англия ва Эквадор жамоалари ўзаро куч синашишди. Кутилмаганда дастлабки хавфли вазиятни эквадорликлар юзага келтиришди. Англиялик ҳимоячи Жон Терриннинг кўпол хатосидан сўнг эквадорликлар йўллаган зарба дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Оуэннинг жароҳат олганлиги сабабли англияликлар майдонга фақат битта ҳужумчи — Уэйн Руни билан тушишди. Англияликлар чемпионатда энг кучли ярим ҳимояга эга бўлсалар-да, Руниннинг бир ўзи ҳужум чизиғида қийналиб қолди. Шу тариқа англияликлар кутилган ўйинни кўрсата олмаган бўлсалар, улардан бир оз ҳайиққан Эквадор термаси ҳам ўзини оқламади. Фақат 60-дақиқада жарима тўпини қойилмақом бажариб ҳисобни очган Дэвид Беккэмнинг тўпини ҳисобга олмаса ўйинда унчалик эсда қоларли вазиятлар бўлмади. Рақибларидан 1:0 ҳисобида устун келган англияликлар ҳам чорак финалга чиқишди.

Ниҳоят сўнгги учрашувда Португалия— Голландия терма жамоалари баҳс юритди. Голландияликлар бош мураббийси Марко ван Бастен жамоани кескин ёшартириб, ҳатто Руд ван Нистелройдек юлдузни ҳам майдонга туширмаганлиги бизнингча голландларнинг катта хатоси бўлди. 23-дақиқада Паулетадан тўпни қабул қилиб олган Манише киритган ягона тўп учрашувнинг португалияликлар ҳисобига ҳал бўлишини таъминлади. Ҳар иккала жамоадан ўйинчилар майдондан чиқариб юборилганлиги учун 2-бўлимда майдонда ўнтадан футболчи тўп сурди. Шундай қилиб, чорак финалда Англия-Португалия термалари беллашади. Бугун ва эртага қолган тўртта нимчорак финал ўйинлари бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Акбар ЙЎЛДОШЕВ

МАЙДОНДА БАНК ХОДИМЛАРИ

ПОЙТАХТДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА БАНК ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА НАВБАТДАГИ СПОРТ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Республика банклар ассоциацияси ва Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорлигида мунтазам ўтказилаётган мусобақада ўн тўртта жамоа ўзаро беллашди. Ҳал қилувчи финал учрашувида "Ўзсаноатқурилиш" банки ва Республика инкассация бирлашмаси ходимлари тўп суришди. Ўйиннинг биринчи бўлимидаёқ "Ўзсаноатқурилиш" банк футболчилари ҳисобни 4-0 га етказдилар. 2004 йилда ҳам турнир бош совринига сазовор бўлган ушбу молия муассасаси иккинчи бўлимда ҳам муваффақиятли ўйнади. Натижа: 5-0. Йирик ҳисобда ғалаба қозонган банки вакиллари биллур соврин билан тақдирланди. Жамоа сардори Мурод Кападзе турнирнинг "Энг яхши ҳимоячиси" деб топилди. Кейинги поғоналарни банд этган Республика инкассация бирлашмаси ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси ҳамда мусобақа давомида яхши ўйин намойиш этган бир қатор футболчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

Мунажжим башорати

ОМАДЛАР КУНИ

27 ИЮНЬ, СЕШАНБА

МУНАЖЖИМЛАРИМИЗ БУГУНГИ КУННИ ШУНДАЙ ОМАДЛИ КУНЛАРДАН ДЕБ ТАЪРИФЛАШГАН. БУГУН ЁЛҒИЗ ҚОЛМАЙ, КЎПРОҚ МУЛОҚОТДА БЎЛИШ, ЯНГИ АЛОҚАЛАР ЎРНАТИШ ФОЙДАЛИ. УЮШМАЛАР ТУЗИШ, ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ФИЛИАЛЛАР, ШЎЪБА КОРХОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, БОРЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ ХАЙРЛИ КЕЧАДИ.

Янги ташаббуслар, янги иш жойига ўтиш учун энг матлуб вақт бу кун. Бирон муҳим ишни бошлашга қарор қилганингизда, унга босиқ-вазмин ва жиддий ёндошинг, ҳамма нарсани синчиклаб ўрганиб, ҳисоб-китоб қилиб чиқинг. Ўй-фикрларингиз, айтадиган гапларингизга эътиборли бўлинг, сўзларингизни елга учирманг ва хом ваъдаларни берманг.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бугун жамоа эмас, шахсий ишларда ютуқлар, ўсиш куни ҳисобланади. Кўпчилик билан фақат ниманидир нишонлаш, хурсандчилик қилиш мумкин.

Таомлар истеъмолида ва бошқа хурсандчиликларда меъёрни унутманг. Бугун парҳезга ўтишнинг, катта ахборот туркумини бошлаб юборишнинг айни вақти.

Соат, ойна ёки кўзгунинг синиши бугун ноҳушлик аломати ҳисобланади. Ялтироқ тошни топиб олиш эса — омад белгиси.

Тўсатдан уйғониб кетган ёрқин тушларингиз башоратли ҳисобланади. Тушда кўзгуни кўришингиз — покланиш ва бахтсизликлардан халос бўлишингизни билдиради.

Юрак-қон томир тизими заиф ҳолатда бўлиб, инфаркт юз бериши ёки қон босимининг кескин ўзгариши хавфи мавжуд.

Ёрқин, шўх рангларга бой кийимлар бугунги кунингизнинг омадли ўтишига ҳамдам бўлади. Қора ва жигарранг либосларингизни жавонингизнинг нариги бурчагига суриб қўя туринг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

«Сувсоз» Давлат унитар корхонаси ҳозирги кунда ўз истеъмолчиларига, барча имкониятларни ишга солган ҳолда сифатли ичимлик сувини меъёридан ортиқ ҳолда ишлаб чиқариб, етказиб бермоқда. Лекин айрим истеъмолчилар томонидан ичимлик сувининг беҳуда сарфланиши натижасида кўп миқдорда ичимлик суви исроф қилинмоқда, бу эса шаҳримизнинг баъзи манзилларида ичимлик суви танқислиги муаммосини келтириб чиқармоқда.

Ҳурматли истеъмолчилар! «Сувсоз» корхонаси сиздан ичимлик сувини беҳуда сарфламасликни, ундан оқилона фойдаланишингизни илтимос қилади. Ҳаёт манбаи ҳисобланмиш ичимлик сувини тежаш барчамизнинг вазифамиздир.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Сувсоз» корхонаси

Й.Охунбобоев номли Республика тиббиёт коллежи жамоаси коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди Миржамол Аъзамович Адиловга падари бузруквори

Мираъзам АДИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6